

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**МАҲМАТҚУЛОВ ИЛҲОМ ТУРДИМУРОДОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎТМИШДАГИ ТАСАВВУФ МАСКАНЛАРИ –  
ХОНАҚОҲЛАР АРХИТЕКТУРАСИНИ ЎРГАНИШ ВА УЛАРДАН  
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ АСОСЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**18.00.01-Архитектура тарихи ва назарияси.  
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Архитектура бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по архитектуре**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on architecture**

**Махматкулов Илхом Турдимуродович**

Ўзбекистоннинг ўтмишдаги тасаввуф масканлари – хонақоҳлар  
архитектурасини ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш  
асосларини ишлаб чиқиш ..... 3

**Махматкулов Илхом Турдимуродович**

Изучение архитектуры зданий ханака – института суфизма в  
Узбекистане и разработка основ рационального их использования ..... 23

**Mahmatkulov Ikhom Turdimurodovich**

The study of the architecture of the buildings of the Khanaka – as  
Institute of Sufism in Uzbekistan and the development of the foundations  
for their rational use ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**МАҲМАТҚУЛОВ ИЛҲОМ ТУРДИМУРОДОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎТМИШДАГИ ТАСАВВУФ МАСКАНЛАРИ –  
ХОНАҚОҲЛАР АРХИТЕКТУРАСИНИ ЎРГАНИШ ВА УЛАРДАН  
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ АСОСЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**18.00.01-Архитектура тарихи ва назарияси.  
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси В2019.2.PhD/A33 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат архитектура-қурилош институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/avtoref.html>) ҳамда «ZiyoNeb» ахборот-таълим порталида ([www.ziyoune.net](http://www.ziyoune.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Уралов Ахтам Синдарович**  
меъморчилик фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Юсупова Мавлюда Аминджоновна**  
архитектура доктори, профессор

**Мухаммеджанов Қобилжон Ҳожимуродович**  
архитектура номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қамолиддин Бекзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилош институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.A.11.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «26» 12 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 7 В-уй Архитектура факультети мажлислар зали. тел.: +99871 237-11-37, факс: +99871 234-15-11. Web: [www.taqi.uz](http://www.taqi.uz), e-mail: [devon@taqi.uz](mailto:devon@taqi.uz))

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилош институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (51-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалка йўли кўчаси, 7-уй. тел.: +99871 234-60-16).

Диссертация автореферати 2020 йил «12» 12 кuni тарқатилди.

(2020 йил «12» 12 даги 24 рақамли реестр баённомаси).



**Д.А.Нозилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, арх.д., профессор

**Т.Ш.Маматмусаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қоғибни, арх.ф.д.

**Т.А.Ҳидоятгов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қоғидаги Илмий семинар раиси, арх.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда тарихий шаҳарлар жозибадорлигини ошириш мақсадида меъморий мерос объектларини сақлаш ва таъмирлаш, уларнинг архитектураси ва меъморий-бадий ечимларига эътибор қаратиш, улардан замонавий зиёрат туризми мақсадларида фойдаланиш эҳтиёжлари туғилмоқда. Шу сабабли ҳозиргача тўлиқ оммалаштирилмаган меъморий обидаларни ўрганиш, уларни янги сайёҳлик зиёрат маршрутларига киритиш, обидалар меъморий муҳитини ландшафт ташкиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Мана шундай кам оммалаштирилган ва ўрганилган мавзулардан бири – бу ўтмишдаги тасаввуф институти масканлари – хонақоҳлардир. Ҳозирда бутун жаҳон ҳамжамиятининг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ўрта асрларда шаклланиб, халқ орасида кенг тарқалган тасаввуф таълимотига ва суфийлик объектлари-хонақоҳлар архитектурасини ўрганишга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда.

Жаҳон миқёсида тасаввуф масканларининг пайдо бўлиши, эволюцион тараққиёти, тархий тизимларини ўрганиш, қайта тиклаш ва модернизациялашга бағишланган илмий тадқиқотларда хонақоҳлар типологиясини аниқлаш ҳамда уларнинг муҳофаза ҳудудини аниқлаш, сайёҳлик маршрутларини тузиш, муҳандислик тармоқлари инфраструктурасини такомиллаштириш ва улардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу илмий тадқиқотларда қадимий хонақоҳлар комплексининг барқарорлигини таъминлаш, илк тасаввуф масканларининг вужудга келиш ва тараққий этиш жараёнларини тадқиқ этиш ҳамда режавий структурасига аниқликлар киритиш ва уларнинг замонавий шаҳарсозлик маданияти ривожига таъсирини очиб бериш, тарихий ҳудудларнинг сайёҳлик имкониятларини янада ошириш, маданий мерос объектларидан самарали фойдаланиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Республикамизда тарихий-маданий мерос объектларини сақлаш, уларни таъмирлаш ва муҳофаза қилиш борасида охириги йилларда салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Бухоро шаҳридаги Баҳовуддин Нақшбанд хонақоҳ меъморий комплекси, Бухоро вилоятидаги Тасаввуф ва ислом ақоиблари саналган етти пир зиёратгоҳлари, Сайф ад-дин Боҳарзий хонақоси, Навоий шаҳридаги Қосим Шайх хонақоси ва мажмуаси, Самарқанддаги Хўжа Абду Берун ва Хўжа Абду Дарун хонақоҳлари, Термиздаги Муҳаммад ат-Термизий ва Исо ат-Термизийларнинг хонақоҳ мажмуалари таъмирланди ва атрофи ободонлаштирилди. Зеро «Маданий мерос объектлари халқнинг бебаҳо бойлиги, уларни асраш ва келажак авлодларга безавол етказиш барчамизнинг бурчимиздир»<sup>1</sup>. Бу борада хонақоҳларнинг тарихий шаклланиш йўллари, архитектураси, меъморий-режавий тузилиши, шаҳарсозлик жойлашуви ва ривожланиш босқичларини аниқлаш, уларнинг функциявий типологиясини, архитектуравий бадий безакларини, қурилиш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлис палаталари, сиёсий партиялар билан бўлган йиғилишдаги маърузаси. «Халқ сўзи» – 2017. – 13 июль. №137 (6831).

конструкцияларини ўрганиш ҳамда мазкур обидаларни сақлаш ва улардан замонавий мақсадларда фойдаланиш архитектурашунослик ва зиёрат туризмни ривожлантиришнинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПФ-5181-сон «Моддий-маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2018 йил 11 апрелдаги ПФ-5408-сон «Қурилиш Вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда 2014 йил 21 июлдаги ПҚ-200-сон «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасини янада такомиллаштириш» бўйича қарори ва соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўрта Осиё хонақоҳлари ҳақидаги илмий маълумотлар анчагина бўлсада, улар турли даврларда нашр этилган журнал ва илмий тўпламлар, илмий ҳисоботлар, анжуманлар материаллари таркибига кирган илмий мақолалар ва тезислар тарзида мавжуддир. Бизгача сақланмаган тарихий ва меъморий жиҳатдан алоҳида муҳим бўлган айрим хонақоҳлар ҳақида эса илмий оммабоп рисоалар ҳам нашр этилган. Г.А.Пугаченкованинг «Бухарские ханака» (1994 й.)<sup>2</sup>, Н.Б. Немцеванинг «Многофункциональный мемориально-культурный комплекс Ходжа Машад» (1995 й.)<sup>3</sup> мақоласи ҳамда унинг «Ханака Сайфаддина Бахарзи в Бухаре» (2003 й.)<sup>4</sup> монографияси ана шундай ишларга мисол бўла олади. Л.Ю.Маньковская ўзининг «Типологические основы зодчества Средней Азии (IX – начало XX в.)»<sup>5</sup> китобида Ўрта Осиёда хонақоҳ биноларининг бу ўлкадаги илк шаклланишидан то таназзулигача бўлган меъморий типологиясини уларнинг режавий тузилишига кўра ишлаб чиққан.

Д.А.Нозиловнинг «Ўрта Осиё меъморчилигида интерьер» (2005 й.)<sup>6</sup> номли китобида бошқа бинолар қаторида хонақоҳларнинг ҳам ички безаклари ҳақида қисқача маълумот бериб ўтилган. А.С.Уралов ўзининг «Гражданское зодчество средневековой Центральной Азии» мавзусидаги докторлик диссертациясида (1998 й.)<sup>7</sup> бошқа жамоат бинолари билан бир қаторда хонақоҳлар архитектурасининг ривожланиш босқичлари ва меъморий типологиясига доир

<sup>2</sup> Пугаченкова Г.А. Бухарские ханака // Бухара и мировая культура. Вып. II.–1994.

<sup>3</sup> Немцева Н.Б. Многофункциональный меъморально-культурный комплекс Ходжа Машад//ОНУ. – 1995. №5-6-7-8.

<sup>4</sup> Немцева Н.Б. Ханака Сайф ад-дина Бахарзи в Бухаре (к истории архитектурного комплекса). – Бухара,2003.

<sup>5</sup> Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX – начало XX в.). – Т., 1980.)

<sup>6</sup> Нозилов Д.А. Ўрта Осиё меъморчилигида интерьер. – Тошкент, 2005.

<sup>7</sup> Уралов А.С. Гражданское зодчество средневековой Центральной Азии. Автореферат док. дис. – Тошкент, 1998.

масалаларни ёритиб берган. Хонақоҳларнинг суфийлик ҳаракати ва тамойиллари асосида ташкил этилганлиги ҳақидаги фикрлар В.В. Бартольд<sup>8</sup>, Н.Комилов<sup>9</sup>, Л.Ю. Маньковскаяларнинг илмий изланишлари, М.Е. Массоннинг<sup>10</sup> археологик тадқиқотлари ва Т.Х.Стародуб<sup>11</sup>нинг мақоласида келтирилган. Шунингдек, исломдаги суфийлик билан боғлиқ ҳолатларни хорижий муаллифлар Адам Мец<sup>12</sup>, Дж.С.Тримингэм<sup>13</sup>, И.Гольдциер<sup>14</sup>ларнинг ишларида ҳам учратиш мумкин.

Бир қатор муаллифлар томонидан, шу жумладан, А.М. Белиницкий<sup>15</sup>, О.Г. Большаков<sup>16</sup>, И.Ф. Бородин<sup>17</sup>, В.Л. Воронина<sup>18</sup>, Б.Н. Засыпкин, Н.Б. Немцева<sup>19</sup>, Е.Г. Некрасова, В.М. Филемонов<sup>20</sup>, С.Хмельницкий<sup>21</sup> асарларида хонақоҳлар ҳақидаги археологик тарихий изланишлар, ёзма манбалар бўйича ўрганилган тарихий ва архитектуравий маълумотлар келтирилган.

Ўтган асрнинг охириги йиллари ва асримиз бошида М.Қ. Аҳмедов<sup>22</sup>, П.Ш. Зоҳидов<sup>23</sup>, Р.С. Муқимов<sup>24</sup>, Ш.Д. Асқаров<sup>25</sup>, А.С. Уралов, Т.Ф. Қодирова<sup>26</sup>, М.А. Юсупова<sup>27</sup>, Ж.Ҳақимниязовлар чоп эттирган мақолалар ва китобларда ҳам хонақоҳлар ҳақида қизиқарли фикрлар билдирилган. Хусусан, Ш.Д. Асқаровнинг «Генезис архитектуры Узбекистана» ва «Архитектура Темуридов» номли китобларида хонақоҳ бинолари архитектурасининг келиб чиқиши, хоналарининг структуравий тузилиши, суфийларнинг хонақоҳдаги маросим жараёнлари, хонақоҳ биноларининг Темурийлар давридаги ривожланиш ва такомиллашиш жараёнлари ёритиб берилган. 2005 йилда Ш.Д. Асқаровнинг раҳбарлигида Ҳозирги Жанубий Қозоғистон ҳудудида жойлашган Бобо-Ота хонақоси ТАҚИ дипломантлари И.К.Савон ва Р.Б.Саломовлар томонидан ўрганилиб график тикланган. 2009 йилда эса ТАҚИнинг яна уч нафар битирувчилари: В.Э.Головченко, Т.Р.Трудолюбова ва А.В.Хабаровалар Мовароуннаҳрда мўғиллар даврида қурилган учта хонақоҳ

<sup>8</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. // Собр. соч.: в 9 т. Т. II (1). – М., 1963.

<sup>9</sup> Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. – Тошкент., 1996.

<sup>10</sup> Массон Н.Е. Прошлое Бухары (историко-археологический очерк) :Рукопись / Архив Глав. НПУ Министерства культуры РУз/№125/М-3.

<sup>11</sup> Стародуб Т.Х. Средневековая архитектура, связанная с суфизмом: ханака, завия, такия // Суфизм в контексте мусульманской культуры. – М., 1989.

<sup>12</sup> Мец А. Мусульманский Ренессанс. – М., 1966.

<sup>13</sup> Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе (перевод с англ., под ред. И с предисловием Акимушкина О.Ф.). – М., 1989.

<sup>14</sup> Гольдциер И. Культ святых в исламе. – М., 1938.

<sup>15</sup> Белиницкий А.М. Организация ремесла в Самарканде XV-XVI вв. КСИИМК, вып. VI, 1940.

<sup>16</sup> Большаков О.Г. Два вакфа Ибрагима Тамгач-хана в Самарканде // В сб.: Страни и народы Востока. Вып. X. – М., 1971. – С. 170-178.

<sup>17</sup> Бородин И.Ф. Интерьер монументальных сооружений Самарканды XIV-XV веков. Автореф. Дис. – М., 1965.

<sup>18</sup> Воронина В.Л. Средневековый город арабских стран. – М., 1991.

<sup>19</sup> Немцева Н.Б. К типологии ханака домонгольского времени // Тезисы докладов международной конференции – «История и культура Оша и Ошской области в домонгольскую эпоху». – Ош, 1998.

<sup>20</sup> Некрасова Е.Г., Филемонов В.М. Ханака в ансамбле Султан-Саодат // Краеведение Сурхандарьи. – Тошкент., 1989.

<sup>21</sup> Хмельницкий С. Между Саманидами и монголами. – Ч. I. – Берлин-Рига, 1996.

<sup>22</sup> Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1995.

<sup>23</sup> Зоҳидов П.Ш. Зеб ичра зийнат. – Тошкент, 1995.

<sup>24</sup> Муқимов Р.С. История и теория таджикского градостроительства. – Душанбе, 2009.

<sup>25</sup> Асқаров Ш.Д. Генезис архитектуры Узбекистана. – Тошкент., 2014.

<sup>26</sup> Уралов А.С., Қодирова Т.Ф. Ўрта Осиё меъморий ёдгорликларининг типология асослари. – Т., 2012.

<sup>27</sup> Юсупова М.А. Архитектура ханака эпохи Темуридов (к эволюции суфийских обителей Средней Азии) // ОНУ. – 1997. – №3-4.

мисолида диплом лойиҳаларини бажаришган. Бу лойиҳаларда ушбу биноларнинг қадимий типологияси, яъни тимсоли, бошқа бинолардан фарқ қилувчи ориентацияси, устувор тарҳий ечими, суфийларнинг қоида, урф-одатга кирган ибодат маросими тикланган ва чизмаларда акс эттирилган.

М.Юсупова, З.Раҳимова, О.Ибрагимовларнинг 2010 йилда чоп этилган «Суфийские традиции в искусстве Мавераннахра XV-XVII вв.»\* номли монографиясида XV-XVII асрларда Мовароуннаҳр санъатида хонақоҳлар архитектураси, китоб миниатюраси ва мусиқанинг тасаввуф анъаналари таъсиридаги тараққиёт жараёнлари кўрсатиб берилган. Сўнгги йилларда Э.Гюль<sup>28</sup> ва Е.Барсукова<sup>29</sup>лар Ўрта Осиёнинг IX-XVI асрлар ибодат иншоотлари архитектураси ва безакларида тасаввуф ғоялари ва рухий тушунчаларининг таъсири борлиги ва акс эттирилганлигини исботлаб берган.

Шу билан бирга Ўзбекистон архитектурашунослигида хонақоҳлар архитектурасини ўрганишга оид комплекс мукамал илмий ишларнинг камлиги бу соҳанинг ҳанузгача изланиш даражасида эканлигини билдиради.

Мазкур диссертация хонақоҳлар архитектураси, уларнинг шаклланиши ва ривожланиш асослари, меъморий типологияси, конструктив ечимлари, интерьерларининг безаклари, функционал хусусиятлари, хонақоҳлардан самарали фойдаланиш йўллари комплекс ўрганишга бағишланган навбатдаги илмий ишлардан бири ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф.1-023 «Ўзбекистон архитектураси назарияси ва тарихи, меъморий кадриятлар ва анъаналаримизни тадқиқ қилиш ва улардан самарали фойдаланиш» (2016-2019 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тасаввуф масканларининг Ўзбекистон архитектураси тарихидаги ўрнини аниқлаш, уларнинг тасниф-тизими, архитектурасини ёритиб бериш, хонақоҳларни сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

тасаввуфнинг жамият ҳаётидаги роли ва ўрнини кўрсатиш орқали хонақоҳларнинг бино сифатида меъморий шаклланиш жараёнини ёритиб бериш;

Ўзбекистонда хонақоҳлар архитектурасининг шаклланиши ва ривожланишидаги тарихий босқичларни тадқиқ қилиш ва аниқлаштириш;

хонақоҳлар архитектурасининг Ўзбекистон меъморчилиги тарихидаги роли ва ўрнини кўрсатиб бериш;

---

\*Юсупова М.А. Суфийские традиции в искусстве Мавераннахра XV-XVII вв. – Ташкент, 2010.

<sup>28</sup> Гюль Э. Суфизм и искусство орнамента.//Sanat. Вып.3. – Ташкент.2020. Юсупова М; Раҳимова З; Ибрагимов О.

<sup>29</sup> Барсукова Е.Г. Влияние суфизма на архитектуру и декора культовых сооружений Среднее Азии IX-XVI вв.//авт. дисс. док. фил. –Ташкент. 2020.



хонақоҳларнинг архитектуравий типологияси, меъморий-режавий ва композициявий ечимларига хос хусусиятларни илмий аниқлаш ва ёритиб бериш;

хонақоҳларнинг шаҳар структурасида жойлашиши ва интерьерларидаги безакларни ўрганиш ва уларга илмий баҳо бериш;

бизгача сақланган хонақоҳ биноларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** ўтмишда қурилган ва бизгача сақланиб қолган тарихий хонақоҳлар, қайта таъмирланган ва ҳозирда зиёратгоҳлар тарзида фойдаланилаётган тасаввуф маскан мажмуалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** хонақоҳларнинг шаклланиши, тадрижий ривожланиши, типологияси ва архитектурасининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, илмий аниқлаш, хонақоҳларни сақлаш ва улардан замонавий мақсадларда фойдаланиш йўллари белгилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда бизгача сақланиб қолган хонақоҳ биноларини жойида ўрганиш, уларнинг ҳозирги ҳолати мониторингини ўтказиш, таснифлаш ва тизимлаш, натурал тадқиқ қилиш, фотофиксация, йиғилган материалларни таҳлил қилиш ва илмий умумлаштириш, хулосалар чиқариш каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда ўрта асрларга оид хонақоҳлар VIII-IX асрлар – суфийлик ҳаракатларининг пайдо бўлиши, X-XIII асрлар – хонақоҳлар қурилишининг оммавийлашуви, XIV-XVI асрлар – хонақоҳ биноларининг меъморий жиҳатдан ривожланиши, XVIII-XIX асрлар – тасаввуф институти ҳамда хонақоҳларнинг таназзули каби тарихий босқичларда ривожланганлиги аниқланган;

хонақоҳларнинг архитектуравий типологияси асосан ҳовлили (бир ва кўп ҳовлили), ҳовлили-айвонли (бир ва кўп айвонли, ҳовлили пештоқли) ва пештоқли-гумбазли (ҳовлисиз ва ҳовлили) каби меъморий-режавий ечимларда шаклланганлиги аниқланган;

хонақоҳлар режавий-композицион жиҳатдан жамоат хона (зикрхона ва масжид), шайх хонаси (кейинчалик шайх мақбараси), суфийлар учун хужралар, самохона, китобхона, ошхона, мусофирхона (таъқия), лангархона (таом бериш хонаси), Қуръон ўқишга ўргатиш хонаси, чиллахона, ғуслхона ва ёрдамчи хоналар каби функционал ва таркибий тузилишга эга бўлганлиги исботланган;

хонақоҳлар асосан доимий яшаш ва жамоавий тадбирлар ҳамда ибодат қилиш учун; интеллектуал, умуммаданий ва умумхайрия тадбирларини ўтказишга мўлжалланган; хонақоҳ-зиёратгоҳлар; хонақоҳ масжидлар каби тўртта йўналишда бунёд этилганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тасаввуф институтининг Ўзбекистон ўтмишидаги роли ва ўрни, тасаввуф масканлари – хонақоҳларнинг вужудга келиш асослари, меъморий шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, меъморий композициявий ва бадий ечимларига хос хусусиятлар аниқланиб, уларга илмий баҳо берилган;

хонақоҳ биноларининг типологияси 3 та кўрсаткичга кўра: шаҳар тизимида жойлашиш усуллари, қурилиш услублари ҳамда архитектурасининг меъморий-режавий ва функциявий ечимлари бўйича кўриб чиқилган ва асослаб берилган;

хонақоҳ биноларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар такомиллаштирилган;

замонавий технологияларни қўллаган ҳолда (Phanton 4Pro ускунаси) 3D моделлаштириш дастури ёрдамида Самарқанддаги Гўри Амир меъморий ансамблида бизгача фақат пойдевори сақланган Халил Султон хонақосини график тиклаш лойиҳаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, илмий натижалар муайян тадқиқот усуллари асосида аниқланганлиги ҳамда кўп сонли илмий мақолаларда ўз аксини топганлиги, республика ваколатли ташкилотларида амалиётга жорий этилганлиги ҳақидаги далолатномалар билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон архитектураси тарихи соҳасидаги билимларни кенгайтириш ва бойитиш билан бирга архитектура ва қурилиш олий таълим муассасаларидаги Архитектура тарихи ва назарияси, архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва сақлаш, улардан фойдаланишга йўналтирилган ўқув адабиётларини тайёрлаш ва мавзуга доир монографияларни ёзишда кенг имкониятлар яратади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса Ўзбекистонда бизгача сақланиб қолган хонақоҳ биноларининг зиёрат мавқеини оширишга, хонақоҳларни таъмирлаш ва уларни замонавий эҳтиёжларга мослаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишга, таъмирланган хонақоҳлардан эса унумли фойдаланишга, уларни оммалаштиришга, шунингдек, Ўзбекистон сайёҳлари учун зиёрат туризми маршрутларини кенгайтиришга, зиёратчилар ва уларга хизмат қилувчи «гид»ларнинг тафаккурини тасаввуф дунёси ва хонақоҳлар архитектурасига доир тушунчалар билан тўлдиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистоннинг ўтмишдаги тасаввуф масканлари – хонақоҳлар архитектурасини ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш асосларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

хонақоҳларнинг тарихий ривожланиш босқичлари ва функциявий йўналишлари, шунингдек кенг зали (миён саройли), пешайвонли хонақоҳларни масжидлар вазифасида фойдаланиш, зали унча катта бўлмаган ва зал атрофи ташқи айвонга эга бўлмаган хонақоҳларни зиёратгоҳларга айлантириш бўйича олинган натижалар Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари маданий мерос бошқармаларида «Ҳадис марказлари», халқ амалий санъати устахонаси ва асори-атиқалар музейини ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 10 ноябрдаги 01-12-03-5021-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистоннинг ўтмишдаги тасаввуф масканлари – хонақоҳ биноларини таъмирлаш, уларни сақлаш,

келажак авлодга етказиш, обидаларни сайёҳлик томоша маршрутларига киритиш имкониятларини берган;

тасаввуф институтининг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли, тасаввуф масканлари 0150 хонақоҳ биноларининг меъморий шаклланиши, тадрижий типологияси ва турлари, шаҳар структурасидаги жойлашиши, уларнинг меъморий-режавий ечимлари, функциявий хусусиятлари ва хоналари таркиби, экстерьер ва интерьерларидаги безакларига хос хусусиятлар юзасидан олинган илмий натижалар Хоразм Мамун академиясининг И-ФА-2019-25 рақамли «Хоразм шаҳарларининг тарихи, маданий мерослари, обидалари ва санъат асарларининг тадқиқотлари асосида SMART технологияларини яратиш» мавзусидаги инновация лойиҳасининг «Диний биноларнинг уч ўлчамли кўринишларини шакллантириш» бўлимида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 10 ноябрдаги 01-12-03-5021-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон меъморчилиги тарихига доир хонақоҳлар архитектурасининг яхлит илмий ечимини яратиш, хонақоҳларни кенг жамоатчилик орасида оммалаштириш, хонақоҳ биноларини таъмирлаш ва қайта тиклаш ҳамда улардан амалиётда самарали фойдаланиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий мақола ва тезислар нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 11 та илмий мақола, уларнинг 4 таси халқаро базалар рўйхатидаги хорижий журналларда нашр этилган. Республика ва халқаро илмий конференциялар материалларида эса жами 13 та тезис, улардан 3 таси халқаро анжуманлар тўпламларида чоп этирилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иллюстрация қисми ва иловалардан ташкил топган, умумий ҳажми 158 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги, ишнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилиниб, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тасаввуф институтининг Ўзбекистон ўтмишидаги роли ва ўрни**» деб номланган I бобида Ўзбекистонда тасаввуф институтининг вужудга келиши, мақсад ва вазифалари, тасаввуфнинг жамият ҳаётидаги роли ва ўрни, хонақоҳларнинг бино сифатида илк бор шаклланиш жараёнлари тадқиқ қилинган.

Ислоҳ дунёси мамлакатларида тасаввуф таълимоти VIII асрнинг ўрталарида юзага келган<sup>30</sup>. Ўрта Осиёда эса тасаввуф IX асрдан шакллана

<sup>30</sup> Немцева Н.Б. Ханака Сайф ад-дина Бахарзи в Бухаре (к истории архитектурного комплекса). – Бухара, 2003.

бошлайди ва XII асрга келиб, бу ўлкада бешта тасаввуф тариқатлари вужудга келади: Фарғонадаги Қодирия, Хоразмдаги Кубравия, Туркистондаги Яссавия, Ғиждувондаги Хожагон, Бухородаги Нақшбандия тариқатлари.<sup>31</sup>

«Тасаввуф» арабча сўз бўлиб, унинг келиб чиқишини тадқиқотчилар турли маъноларга боғлаганлар. Биринчиси: тасаввуфда асосий эътибор қалбни поклашга қаратилгани сабабли бу атама сафо, яъни поклик сўзидан келиб чиққан дейишган. Иккинчиси: тасаввуф вакиллари унинг кўпчилиги дағал жундан тўқилган кийим кийиб юришгани учун уларни суфийлар, яъни жунга ўралиб юривчилар деб аташган<sup>32</sup>. Учинчиси: тариқатга кирганлар асосан Муҳаммад алайҳиссаломнинг масжидлари олдидаги «суффа»да яшаб, асосий вақтини Қуръон оятларининг тафсири, ҳадислар ва бошқа илмларни ўрганишга сарфлаган ва улар асҳоби суффа, яъни суффа эгалари деб аталган. Саҳобаларга тақлид қилганлари сабабли уларни суффийлар, яъни суффа аҳлларига ўхшайдиганлар дейишган. Баъзилар эса суфийликни лотин тилидаги *sophi*ya – «ҳикмат» сўзидан олинган, суфийларни эса ҳикмат эгалари, деб билганлар.

Бу тушунчалар негизида инсоннинг камолот йўли, ундаги покиза руҳ ва гўзал ахлоқ тараннум этилади. Эзгулик, мардлик, қаноат, фасоҳат каби барча гўзал ахлоқий қоидалар суфийлик дастурига кирган. Бундай илм мажмуаси амалиётда тариқат деб аталиб, унинг асосий мақсади қалбни турли иллатлардан поклаш, Аллоҳга яқин бўлиш ва унинг ризосига эришишдир<sup>33</sup>. Суфийлар Аллоҳ билан учрашишни боқий дунёда эмас, балки фаний дунёда, Аллоҳнинг нигоҳида яшашда излаганлар.

Тасаввуф билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланиб, тарихан таркиб топган асосий бино – бу «хонақоҳ»дир. Хонақоҳ форс-тожикча сўз бўлиб, илк бор суфий (тасаввуфчи)ларнинг турар жойи, бошпанаси маъносида англашилган ва кейинчалик дарвешлар, қаландарлар, ғариб ва мискинлар истиқомат қилувчи уйлар, шунингдек масжидларнинг қишда намоз ўқиладиган кенг ва катта хонаси ҳам хонақоҳ деб ном олган. Хонақоҳлар Ўрта Осиёда алоҳида бино тарзида X асрда вужудга келиб оммавийлашиб бошлаган<sup>34</sup>. Бу ҳақда араб сайёҳатчиси Ал-Мақдисийнинг X асрда ёзган жўғрофий асариди<sup>35</sup> Самарқанд, Фарғона, Хуттал, Жузжон, Мервурд ҳамда Нишопур шаҳарларида учратган хонақоҳлари гувоҳдир.

Тасаввуф институтининг Ўзбекистон ўтмишидаги роли ва ўрни асосан қуйидаги ҳолатларда ўз аксини топган:

тасаввуф ўзининг изчил демократик тамойиллари билан мусулмончилик деб аталган юксак ва улуғ бир қадриятнинг ҳаммага, подшоҳу дарвешга ҳам баробар бўлишлиги ва ҳар бир ижтимоий ўзгаришнинг халқ фойдасига ҳал бўлиши учун курашиб келган;

суфийлар эл-улус осойишталиги, ҳамжихатлик, касб ўрганиб меҳнат ёки деҳқончилик қилиш, мўмину-мусулмонларнинг бир-бирига ёрдам қўлини

<sup>31</sup> Ислам. Энциклопедический словарь. – М., 1991. – С. 11.

<sup>32</sup> Чехович О.Д. Бухарские документы. XIV в. – Т., 1965. – С. 117.

<sup>33</sup> Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. – Т., 1996. -97-б.

<sup>34</sup> Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX – начало XX в.). – Т., 1980. – С.112.

<sup>35</sup> Уралов А.С. Гражданское зодчество средневековой Центральной Азии. Док. Диссер. – Т., 1998. – С. 69.

чўзиш, хайр-садақа, биродарлик ва мурувватчилик қадриятларини кенг оммага тарғиб қилган;

тасаввуф ҳаётда инсоннинг эзгу хулқ, эзгу амал, эзгу сўз ва эзгу ният қилиб яшашини, комилликка интилишини ҳоҳлаган;

тасаввуф намоёндалари ҳукмдор ва мансабдорларни халқ учун ҳайрли қурилишларни амалга оширишга ундаган ва бу йўлда уларга ўзлари ўрناق бўлган. Ҳайрия бинолари ва иншоотлари қаторига кориз ва қудуқлар, каналлар, тўғонлар қаздириш, масжид ва мадрасалар, бозорлар, карвон-саройусардобалар, шифохона ва ҳаммомлар, кўприклар, йўллар, шунингдек хонақоҳлар, мусофирхоналар, етим-есирларга таом тарқатувчи ғарибхоналар ҳамда қорихоналар кирган. Натижада, бутун мамлакат бўйлаб ана шундай ҳайрли ишларнинг амалга оширилишида тасаввуф намоёндаларининг роли ва ўрни катта бўлган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда хонақоҳ бинолари шаклланишининг асосий босқичлари ва шаҳар структурасида жойлашиши**» деб номланган II бобида Ўзбекистонда хонақоҳларнинг илк шаклланиш даври, хонақоҳ биноларининг ривожланиш ва такомиллашиш жараёни, уларнинг ўтмишда оддий халқ учун исломий одоб-ахлоқ ва тасаввуф таълимотини ўрганиш бўйича «халқ университетлари» ролини бажарганлиги ва хонақоҳ-ларнинг шаҳар структурасида жойлашиш жараёнлари очиқ берилган.

Ўрта Осиёда хонақоҳ биноларининг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши қуйидаги тарихий босқичларни ўз бошидан кечирган: 1-босқич: Ислом дунёсида суфийлик ҳаракатларининг пайдо бўлиш босқичи (VIII-IX аа.); 2-босқич: Ислом дунёсида тасаввуф, яъни суфийликнинг барқарорлашуви ва хонақоҳлар қурилишининг оммавийлашуви (X-XIII аа.); 3-босқич: Тасаввуф ривожланишининг тараққиёти ва сиёсатлашуви, хонақоҳ биноларининг ривожланиши (XIV-XVI аа.); 4-босқич: Тасаввуф институти ҳамда хонақоҳларнинг барҳам топиши ва тугаши (XVIII-XIX аа.). Хонақоҳ бинолари юқорида белгиланган даврларга хос тасаввуф тари-қатлари мавқеига боғлиқ тарзда шаклланган. Суфийлар хонақоҳларда яшаш, ўз тариқат зиёсини оммага тарғиб қилиш билан бирга мураббийлик, пиру–устозлик ёки раҳнамолик фаолияти билан ҳам шуғулланганлар. Устоз шайх вафотидан кейин, у ўзи фаолият кўрсатган ва яшаган хонақоҳ ёнига дафн этилган. Шу тариқа пиру-устозлар, улуғ шайхлар ва хўжаларнинг қабрлари атрофида мемориал мажмуалар, муқаддас жойлар, зиёратгоҳлар пайдо бўлган.

Ўрта Осиёда тасаввуф масканлари билан боғлиқ муқаддас жойларни зиёрат қилиш XI асрларда бошланган<sup>36</sup> ва ўлканинг бундан кейинги маданий юксалиш даврида хонақоҳлар қурилиши ривожланган, бу эса хонақоҳ биноларининг меъморий асосланишига сабаб бўлган.

Хонақоҳларнинг шаҳарларга нисбатан географик жойлашувини ўрганиш шуни кўрсатадики, улар нафақат шаҳарларда, балки суфийлик фаолиятининг илк бошланғич даврларида шаҳарлардан ташқарида, тинч ва ҳоли масканларда,

<sup>36</sup> Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX–начало XX в.). – Т., 1980. – С.113.

қишлоқ жойларда, шаҳарлараро йўллар ёқасида, дарё ирмоқлари ва сув ҳавзаларига яқин жойларда қурилган. Масалан, Хўжа Машад хонақоси XII асрда Тожикистоннинг Саёд қишлоғида, Термиз ва Қабодиан шаҳарларидан Балхга бориладиган қарвон йўлида, у ердан ўтган Қофирниган дарёси соҳилига яқин жойда барпо этилган<sup>37</sup>. Худди шунингдек, XIII асрда Бухоро шаҳрига яқин жойлашган Фатхобод мавзесида, бу ердан оқиб ўтган серсув Фошун канали ёнида шайх Сайф ад-дин Бохарзийнинг иккита хонақоси қурилган.

Диссертациянинг III боби «**Хонақоҳ биноларининг архитектураси ва меъморий типологияси**» деб номланиб, унда хонақоҳлар архитектураси, хонақоҳ биноларининг функционал тузилиши ва хоналари, интерьер ва экстерьерларидаги нақшлар, хонақоҳлар архитектурасининг композициявий асослари ва меъморий типологияси кўриб чиқилган.

Хонақоҳлар архитектураси илк бор суфизм вужудга келган мамлакатлар (Ироқ, Сурия, Миср)да ички ҳовлили меъморий-режавий ечимларда шаклланган<sup>38</sup>. Хонақоҳларнинг Ўрта Осиёдаги архитектураси эса ўша мамлакатлар ва маҳаллий меъморий анъаналарга таяниб, суфизмнинг бу ўлкадаги ривожланиш босқичлари, анъаналари, жамиятдаги тутган роли ва ўрнига ҳамда хонақоҳларнинг жойлашиш географиясига боғлиқ ҳолда турлича меъморий кўринишларда шаклланиб келган.

Суфийлик ҳаёти ва фаолиятининг дастлабки шаклланиш ва кейинги ривожланиш босқичларида хонақоҳлар архитектурасининг асосан уч хилдаги меъморий-режавий ечимларини турли шаклларда учратиш мумкин: 1) ҳовлили композиция (бир ва кўп ҳовлили вариантларда); 2) ҳовлили-айвонли композиция (бир ва кўп айвонли, ҳовлили пештоқли вариантларда) ва 3) пештоқли-гумбазли композиция (ҳовлисиз ва ҳовлили вариантларда).

Мискинлик, тинчлик ва хотиржамлик суфийларнинг ҳаёт тартиби ва қоидаларига кирган. Шу сабабдан улар ўз маконларини ташқи муҳитдан берк ҳолда ички ҳовлисиз тасаввур қилолмаганлар. Айнан шу туфайли улар хонақоҳлар архитектурасини дастлаб ҳовлили режавий ечимда қурганлар. Ўрта Осиёда қурилган илк хонақоҳлар ҳам дастлаб ҳовлили типда бўлиб, улар X асрдан шакллана бошлаган. Бунга мисол қилиб Туркменистоннинг Нисо шаҳридаги Серав хонақосини (X а.), Бухоронинг Фатхобод мавзесидаги Бохарзий хонақоҳларини (XIII а.), Кўхна Урганчдаги Нажмиддин Кубро хонақосини (XII а.), Миздақхон шаҳарчасидаги Оқ хонақоҳни (XII-XIII аа.) кўрсатиш мумкин. Бу даврда айрим хонақоҳлар архитектураси ҳовлили-айвонли композицияда ҳам қурилади. Тожикистондаги Хўжа Машад хонақоси (XII а.) бунга яққол мисол бўла олади.

XIV-XVI асрларга келиб суфизмнинг жамиятдаги роли ўзгариши туфайли хонақоҳларнинг вазифаси ҳам ўзгаради, шунга мос равишда уларнинг архитектураси ҳам трансформацияланади. Бу даврда хонақоҳлар асосан

<sup>37</sup> Немцева Н.Б. Многофункциональный мемориально-культурный комплекс Ходжа Машад в Саяте. // ОНУ, 1995, № 5-6-7-8. – С.76.

<sup>38</sup> Немцева Н.Б. Ханака Сайф ад-дина Бахарзи в Бухаре (к истории архитектурного комплекса). – Бухара, 2003.... – С.59.

шаҳарларда, пештоқли-гумбазли монументал архитектуравий кўринишларда қурилади. Бундай хонақоҳлар архитектурасининг ўзига хос хусусияти тарҳда ўртада жойлашган квадрат шаклдаги катта зали, унинг баланд гумбази ва бинога киришдаги улкан пештоқдир. Бошқа хоналар ушбу залга асосан икки томондан туташтириб қурилган. Зал бир неча вазифаларни: суфийларнинг зикрхонаси, масжид ва уларнинг ибодати учун йиғилишларига мўлжалланган.

Пештоқли-гумбазли хонақоҳларга мисол қилиб Самарқандда Улуғбек мадрасаси қаршида қурилган улкан гумбазли хонақоҳни, Гўри Амир мажмуасидаги Муҳаммад Султон хонақосини, шаҳар четдаги Хожа Абду Дарун хонақосини, эски Термиздаги Ҳаким ат-Термизий хонақосини, Бухоро ва унинг атрофида қурилган Нодир Девонбеги, Муҳаммад Ёр Оталиқ, Баҳовуддин Нақшбанд, Карманадаги Қосим Шайх хонақоҳларини келтириш мумкин. Ушбу хонақоҳлар архитектураси олдинги даврлардаги бир қаватли оддий пастқам ҳовлили хонақоҳлардан кескин фарқ қилиб, монументал характерга эга. Айрим ҳолларда улар икки қаватли қилиб қурилган. Бирок, ўрганишлар шуни кўрсатдики, бу даврда ҳам оддий суфийлар ва дарвешлар учун бир қаватли ҳовлили кўп хужрали оддий хонақоҳлар қурилган. Масалан, Хўжа Аҳрор Валий томонидан 10 дан зиёд ана шундай ҳовлили ечимдаги хонақоҳлар қурилган<sup>39</sup>.

Ўрта Осиё хонақоҳларининг генезиси, архитектурасининг шаклланиши ва ривожланиши, хонақоҳлар функциясининг ўзига хос хусусиятларини архитектура докторлари Ш.Д.Асқаров, А.С.Уралов, М.А.Юсупова, тарихчи археолог олима Н.Б.Немцевалар таҳлил қилган. Хусусан, Ш.Д.Асқаров хонақоҳлар таркибидаги зикрхона, самохона, масжид, чиллахона ва уларнинг ўзаро функционал боғланишларини, суфийларнинг хонақоҳдаги ибодат маросимини амалга оширишнинг қизиқарли жараёнларини ўрганган. Биз ана шу материаллар ва ўз изланишларимизга асосланиб, Ўзбекистондаги мавжуд хонақоҳларнинг тўлиқ функционал тузилиши ва хоналарининг таркибини аниқлашга муяссар бўлдик. Бу таркиб хонақоҳларнинг ривожланиш жараёнига боғлиқ ҳолда қуйидагича шаклланган: жамоат хона (умумий йиғин хонаси-зикрхона ва масжид); шайх хонаси (кейинчалик у шайх мақбарасига айланган); суфийлар учун хужралар; самохона; китобхона; ошхона; мусофирхона (таъқия); лангархона (етим-есирларга таом бериш хонаси); етимларни Қуръон ўқишга ўргатиш хонаси; чиллахона; ғуслхона; ёрдамчи хоналар.

Бундай мукамал тузилишдаги функциявий хоналар таркиби Туркистондаги Хўжа Аҳмад Яссавий хонақоси (XII-XIV аа.) ва Бухородаги Сайфиддин Бохарзий хонақосида (XIII-XIV аа.) ўз аксини топган.

Хонақоҳ бинолари архитектурасининг меъморий шаклланиш эволюцияси дастлаб оддий ҳовлили композициядан бошланиб, сўнгра масжидлар ва «илоҳий» мазорлар қошидаги мемориал мажмуалар билан қўшилиб,\* асрлар оша бизгача масжидлар ва мақбаралар номида ҳамда алоҳида қурилган

<sup>39</sup> Чехович О.Д. Бухарские документы XIV-XVI вв. – М., 1974. – С.24.

\*Юсупова М.А. Role of Amir Temur in the evolution of the memorial-cult architecture of Central Asia.//Abstracts of the International scientific conference «Science and Culture in the Amir Temur epoch», Uzbekistan-Tukey. Tashkent, 2017. 203-205.

маҳобатли хонақоҳлар тарзида, кўп хонали пештоқли-гумбазли симметрик меъморий образларда, турли режавий ечимларда: мужассам (йиғноқ), бўйлама – ўқли, фронтал ва ҳовлили композицияларда етиб келган. Ушбу ечимлар асосини меъморий симметрия, тарҳ ва тарзнинг уйғунлик ва яхлитлик қонунлари ташкил қилган.

Хонақоҳлар типологияси билан Л.Ю.Маньковская жиддий шуғулланган. Унинг аниқлашича, хонақоҳлар дастлаб бир камерали ячейка (хужра)лар типиди, сўнгра ҳовлили ва кўпҳовлили тузилишда, кейинчалик эса кўп камерали бинолар типиди шаклланган<sup>40</sup>. Охири типнинг бир неча хиллари мавжуд бўлиб, улар бўйлама ёки кўндаланг ўқли, пештоқли-гумбазли ва ихчам яхлит тарҳли хонақоҳлардир.

Биз хонақоҳ биноларининг меъморий типологиясини улар бажарган функцияларига қараб, яъни ҳар қандай меъморий образ ёки иморатнинг ташқи умумий шакли унинг функциясидан келиб чиқишига асосланиб, хонақоҳларни типларга ажратдик ва уларнинг асосан тўрт йўналишда шаклланганлигини аниқладик. Биринчи йўналиш – бу суфийларнинг доимий яшашлари ва жамоавий тадбирлари ҳамда ибодатларини ўтказишга хизмат қилувчи хонақоҳлар. Иккинчи йўналиш – интеллектуал, умуммаданий ва умумхайрия тадбирларини ўтказишга мўлжалланган хонақоҳлар. Учинчи йўналиш бу 0150 хонақоҳ-зиёратгоҳлар, тўртинчи йўналиш эса хонақоҳ масжидлардир. Ҳар бир йўналиш аниқ бир мақсад учун мўлжалланган бўлиб, алоҳида меъморий ечимлар асосида шаклланган.

Диссертациянинг IV боби «**Хонақоҳ биноларининг конструкциялари, уларни сақлаш, таъмирлаш, хонақоҳлардан замонавий мақсадларда фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш**» деб аталиб, унда хонақоҳ биноларининг конструкциявий ечимлари, хонақоҳ биноларини сақлаш ва таъмирлаш, улардан замонавий мақсадларда фойдаланиш, хонақоҳ бинолари атроф муҳитини меъморий-ландшафт ташкиллаштириш бўйича таклифлар берилган ва улар илмий асосланган.

Ўзбекистон ҳудудида илк шаклланган хонақоҳ бинолари пасткам, бир қаватли ҳовлили тарзда қурилган бўлиб, уларнинг конструкцияси оддий лой паҳса ёки хом ғиштлардан бино этилган. Томи устунли-тўсинли конструкциялар: устун, болор, тўсин ва вассалар, ёнтоқ, қамиш билан ёпилиб, лой билан сувалган.

XI-XIII асрларда ислом дунёсида тасаввуфнинг барқарорлашуви, XII асрдан бошлаб эса Ўрта Осиёда 5 та йирик суфийлик тариқатларининг вужудга келиши натижасида хонақоҳ биноларининг қурилиши оммавийлашди. Бу даврдаги хонақоҳлар конструкцияси нафақат хом ғишдан, балки пишиқ ғишдан ҳам қурилган. Пишиқ ғиштли хонақоҳ томлари бу даврда гумбазлар билан ҳам ёпилган. Хоразмдаги Кубро, Ғиждувондаги Хожагон, Бухородаги Нақшбандия, Фарғонадаги Қодирия даври хонақоҳлари дастлаб ана

---

<sup>40</sup> Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX – начало XX в.). – Т., 1980. – С.114.



шундай конструкцияларга эга бўлган. Айрим хонақоҳларнинг ҳовлисида ташқи деворга бириккан пешайвонлар ҳам қурилган.

Ўрта Осиё тасаввуф институтларининг XIV-XVI асрлардаги тараққиёти хонақоҳ биноларининг ҳам меъморий бадиий ва конструктив такомиллашишига сабаб бўлган. Бу давр хонақоҳлари маҳобатли меъморий бинолар тарзида симметрик композицияли, пештоқли гумбазли, пишиқ ғиштли конструкциялардан қурилган. Бундай хонақоҳлар сафига Бухородаги Баҳовуддин Нақшбанд, Туркистондаги Хўжа Аҳмад Яссавий, Сурхондарёдаги Кокилдор хонақоҳлари ва бошқаларни киритиш мумкин. Қашқадарё вилоятининг Китоб шаҳри яқинида жойлашган Хўжа Имконагий хонақоҳининг жамоатхонаси зали анча катта бўлиб, унинг устини ёпишда Ўрта Осиёда Темурийлар давридан бошлаб қўлланилган «зарба линга» конструкцияси, яъни зал деворлари устининг саккиз жойидан кўтарилган 4 та ўзаро кесишувчи ғиштин равоқлар устига қурилган гумбаз конструкцияси ишлатилган. Шу йўл билан катта зал усти нисбатан кичик, енгил чорсу гумбази билан ёпилган. Худди шундай конструкция Бухорода Баҳовуддин хонақоҳининг томини ёпишда ҳам қўлланилган. Гумбазлар юзидаги кошин қопламалар орасига тушган чанглар, қўнган кабутарлар орқали митти ўсимликлар уруғлари ўрнашиб қолиб, уларнинг ўсиб чиқиши натижасида кошин безакларининг бузилиши, баъзан ҳатто, қўпорилиб тушиши кузатилмоқда. Диссертацияда уларни химик дизенфикациялаш усули билан бартараф этиш таклиф қилинган.

Кўпчилик хонақоҳларнинг томи гумбаз шаклида қурилган. Гумбаз томли биноларга кирган кишининг қалби ва руҳига тўсатдан тушунтириб бўлмас даражадаги хотиржамлик, осойишталик, ибодат қилиш ҳислари оқиб киради. Гумбазсимон том конструктив жиҳатдан ҳам анча мустаҳкам ҳисобланади.

Хонақоҳ биноларини келажак авлодлар учун сақлаш ва таъмирлаш нафақат уларни маданий мерос объектлари тарзида ардоқлаш, балки Ўрта Осиё халқлари маънавияти ва ислоний илмларининг таянч устунларидан бири ҳисобланган тасаввуф таълимоти ва зиёсига асосланганлигини кўрсатиш ва исботлаш учун ҳам зарурдир. Шу жиҳатдан хонақоҳ биноларини сақлаб қолиш ва таъмирлашда Ўзбекистонда архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш ишларида қўлланиладиган мавжуд барча қоидалар ва тамойиллардан фойдаланиш таклиф қилинган.

Республикамиздаги мавжуд хонақоҳлардан самарали фойдаланиш бўйича қуйидаги таклифлар берилган:

кенг залли (миён саройли), пеш айвонли хонақоҳларни улар жойлашган аҳоли пунктлари учун масжидлар вазифасида фойдаланиш. Бунинг учун бундай хонақоҳларнинг қибла томонини аниқлаш ва уни тегишли тарзда шакллантириш;

